

## **ФАННИНГ НОМИ: МЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКАСИ II**

Умумий ўқув соати – 310 соат

Шу жумладан:

**Маъруза** – 112 соат (7-семестр – 72 соат, 8-семестр – 40 соат)

**Амалий машғулотлари** – 76 соат (7-семестр – 56 соат, 8-семестр – 20 соат)

**Лаборатория машғулотлари** – 36 соат (7-семестр – 16 соат, 8-семестр – 20 соат)

**Мустақил таълим** – 86 соат (7-семестр – 40 соат, 8-семестр – 46 соат)

**МАЪРУЗА: МАРДОНОВ ШЕРЗОД ХАЛИЛОВИЧ**

## 1-МАЪРУЗА:

Кириш. Соҳанинг устивор йўналишлари. Мелиорация, қурилиш машиналаридан фойдаланиш ва техник сервис фанининг мақсади, вазифалари

Режа:

1. Кириш. Асосий тушунчалар
2. Устивор йўналишлар
3. Фаннинг мақсади ва вазифалари
4. Талабалар билимига қўйиладиган талаблар

ОН-1 14 балл, ОН-2 20 балл

ЖН-1 18 балл, ЖН-2 18 балл

Якуний назорат-30 балл

## **ФАН БЎЙИЧА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. С.Вафоев, Р.Мусурмонов. “Қурилиш ва мелиорация машиналарини ишлатиш”. Тошкент-2015 йил. “Тафаккур Бўстони”.
2. Т.С.Борщов, И.В.Лисовский. «Настройка и регулировка мелиоративных машин». Ленинград ВО «Агропромиздат. 1989 г.
3. S.Vafoev, N.Dauletov. Melioratsiya va qurilish mashinalaridan foydalanish va texnik servis T. “Taffakur Bosoni” 2013 -264 b.
4. Баранов Л.Ф. Техническое обслуживание и ремонт машин (учебное пособие).- Ростов на Дону: Феникс, 2001.- 416 с.
5. Яговкин Л. И. Организация производства технического обслуживания и ремонта машин (учебное пособие).-М.:Академия,2006.-400с.

## **ФАН БЎЙИЧА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:**

6. Yo`ldoshev Sh.U. Mashinalar ishonchliligi va ta`mirlash asoslari (darslik). - Toshkent: O`zbekiston, 2006. – 696 b.
7. Технология ремонта машин/ Под ред. проф.А.А.Пучина (учебник для вузов). – М.:Колос, 2007. –488 с.
8. Надежность и ремонт машин. Под ред. проф.В.В.Курчаткина (учебник для вузов). М.:Колос, 2000.-696 с.
9. Ли Р.И. Технологии восстановления и упрочнения деталей автотракторной техники (учебное пособие). – Липецк : Изд-во ЛГТУ, 2014. – 379 с.
10. Мишин М.М. Проектирование предприятий технического сервиса (учебное пособие). – Мичуринск : Изд-во МичГАУ, 2008. – 213 с.

## **ФАННИНГ ЎҚУВ РЕЖАДАГИ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ ВА УСЛУБИЙ ЖИҲАТДАН УЗВИЙЛИГИ**

**“Мелиорация техникаси II”** – ихтисослик фани ҳисобланади. Мазкур дастурни амалга ошириш учун талаба ўқув режасида режалаштирилган **“Материалшунослик ва конструкцион материаллар технологияси”**, **“Машина деталлари ва лойиҳалаш асослари”**, **“Ёнилғи-мойлаш материаллари ва техник суюқликлар”**, **“Трактор ва автомобиллар”**, **“Қурилиш машиналари”**, **“Мелиорация машиналари”** фанларидан билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

**ФАННИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ** - қурилиш ва мелиорация машиналарини ишлатиш ва таъмирлаш соҳаси учун бўлажак мутахассисларга берилган табиий-ишлаб чиқариш шaroитларига асосан турли машиналар ва уларнинг агрегатларидан унумли фойдаланиш; машина паркларини илмий асосда танлаш; юқори самарада ишлатиш; уларнинг ишончлилик кўрсаткичларини ўрганиш; баҳолаш; ишлаш қобилиятини замонавий техник хизмат кўрсатиш технология ва техникаларидан фойдаланиб ташкил этиш, мелиорация ва қурилиш машиналарининг ишлаш қобилиятини ҳамда ресурсини энг замонавий усуллар ёрдамида таъминлаш, ресурсини қайта тиклаш технологияларини, машина деталларини тиклаш технологик жараёнларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқиш асослари бўйича билим ва кўникмаларни шакиллантириш ҳисобланади.

## **ФАННИНГ ВАЗИФАСИ – УНИ ЎРГАНУВЧИЛАРГА:**

- қурилиш ва мелиорация машиналаридан самарали фойдаланиш;
- машиналарнинг ишламай қолиш сабаблари ва бартараф этиш усулларини ўзлаштириб олиш;
- техник хизмат кўрсатиш технологик жараёнлари ва замонавий сервис тизимини қўллаш;
- самарали илмий технологик ечимлар ишлаб чиқиш;
- технологик жараёнларни танлаш;
- машина ва механизмларни таъмирлаш усулларини, таъмирлаш ишлаб чиқариш жараёнларини, машина деталларини тиклашнинг замонавий технологик жараёнлари, тажриба ишларини ўтказиш услубларини ўзлаштириш;
- олинган натижаларга ишлов беришда замонавий ҳисоблаш техникалари ва компьютерлардан фойдаланиш бўйича амалий кўникмалар ҳосил қилишдан иборат.

## ФАН БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРНИНГ ТАСАВВУР, БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

мелиорация ва қурилиш машиналарини сув хўжалиги ишлаб чиқариши шароитида ишлатиш, мелиорация ва қурилиш машиналари, қурилма ва жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, мелиорация ва қурилиш машиналари, тракторлар ва технологик қурилмаларни синаш, ташхис қўйиш, носозликларини бартараф этиш, мелиорация ва қурилиш машиналаридан сув хўжалиги ишлаб чиқариши шароитида самарали фойдаланишни ташкил этиш, сув ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган машиналар ишончлилиги, таъмирлаш технологияси, унинг модернизациялаш ва фаннинг ривожланиши, машиналарни таъмирлашдаги технологик жараёнлар, детал, ишчи қисм ва бирикмалар ресурсини тиклаш технологик жараёнлари, тиклашни ташкил қилиш, устахоналарни лойиҳалаш асослари ва техник — иқтисодий кўрсаткичлар *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*



## **ФАН БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРНИНГ ТАСАВВУР, БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

мелиорация ва қурилиш машиналарини сув хўжалиги ишлаб чиқариши шароитида ишлатишни ташкил қилиш усулларини, мелиорация ва қурилиш машиналари, қурилма ва жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш қоида ва тартибларини, мелиорация ва қурилиш машиналари, тракторлар ва технологик қурилмаларни синаш, ташхис қўйиш, носозликларини бартараф этиш усулларини, мелиорация ва қурилиш машиналарини самарали ишлатишни ташкил этиш усулларини, мелиорация ва қурилиш машиналари, тракторлар ва технологик қурилмаларнинг иш сифати кўрсаткичларини аниқлаш, баҳолаш ва хулосалар шакллантиришни, машиналарни ишламай қолиши, носозликлар ва нуқсонларни пайдо бўлиш сабаблари, уларни аниқлаш ва бартараф этиш усулларини, машиналарнинг ишончлилик кўрсаткичлари: бузилмасдан ишлаши, пухталиқ (мустаҳкамлик), таъмирбоплиги ва сақланувчанлигини, машиналарни таъмирлаш технологик жараёнларини ва уларни таркибий қисмларини модернизациялашни, машина деталларини тиклашнинг замонавий усулларини қўллаш; детал нуқсонларини аниқлаш усуллари, қўлланиладиган жиҳоз, асбоб-ускуналарни ва таъмирлашнинг мақбул усулини танлашни, деталларни таъмирлаш ва қайта тиклашнинг оптимал жараёнини ишлаб чиқишни, таннархини ҳисоблаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва техник-иктисодий кўрсаткичларини ошириш усулларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

## ФАН БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРНИНГ ТАСАВВУР, БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялашда ишлатиладиган асбоб, ускуна, жиҳозлар, уларни амалда қўллай олиш, сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялашда қўлланиладиган ташхис қўйиш асбоб, ускуна, жиҳозларни амалда қўллай олиш, мелиорация ва қурилиш машиналарини иш унумини ошириш, операторларини иш фаолиятини яхшилаш, хавфсизлигини таъминлаш бўйича усул ва тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, машиналарни таъмирлаш технологик жараёнини ишлаб чиқиш, фойдаланиш даврида пайдо бўлган нуқсонларни тиклаш усулларини танлаш, таъмирлаш жараёни учун зарур қурилмаларни, мослама ва жиҳозларни танлай олиш ҳамда уларни модернизациялаш, машиналарни таъмирлаш ва деталлар ресурсини тиклаш жараёнини техник – иқтисодий баҳолаш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

**ИШЛАТИШ** - машиналарнинг ишлаш қобилияти уларни лойиҳалаш, тайёрлаш жараёнида амалга оширилади. Аммо машинанинг конструкцияси қанчалик такомиллашган бўлмасин, фойдаланишда ва узоқ вақт сақланган ҳолатда носозликлари, бузилишлар содир бўлади.

**ТАЪМИРЛАШ** – уларни корхоналарда ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан бошлаб, йўқотган ишлаш қобилиятини, ресурсини қайта тиклашда ишлаб чиқариш жараёни сифатида юзага келган. Чунки машиналардан фойдаланишда ва нотўғри сақлашда ишончлилиқ кўрсаткичлари ва ишлаш қобилияти пасаяди. Уларни тиклаш учун ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш жараёнларида ишлаш қобилиятини ва пухталигини тиклаш ва ошириш технологик жараёнлар қўлланилади.

Мелиорация ва қурилиш машиналаридан ишлатишда (фойдаланишда) уларнинг ишлаб чиқариш жараёни, ишлатиш шароитлари, фойдаланиш хусусиятлари, иш режими ва иш унуми, ҳаракатланиш тезлиги, куч (тортиш) тавсифи, фойдаланиш кўрсаткичларининг иш жараёнида ўзгариши ва самарали фойдаланиш масалаларига эътибор қаратилади.

Мелиорация ва қурилиш машиналаридан фойдаланишни ташкил этиш, нефть хўжалигини ташкил этиш, машиналар паркини фойдаланишга тайёрлаш, эксплуатацион синаш, паркни бошқариш масалалари ўзлаштирилади.

Мелиорация ва қурилиш машиналари техник сервисда техник сервиснинг назарий асослари, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизими, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш технологияси, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ташкил қилиш асослари каби мавзулар очиб берилди.

“Мелиорация ва қурилиш машиналарини ишлатиш ва таъмирлаш” фанида қандай техника ва асбоб ускуналар ўрганилади?

Мелиорация ва қурилиш машиналари таркибига кирувчи техника воситалари:

(Экскаваторлар, Бульдозерлар, Тягачлар, Тракторлар, Прицеплар, Трейлерлар, Автобетон ташувчи воситалар, Автокранлар, Кўчма техник хизмат кўрсатувчи воситалар)

Техник сервис ва таъмирлаш учун асбоблар ва мосламалар:

(Металлга ишлов берувчи станоклар; пайвандлаш қурилмалари; темирчилик пресслаш асбоб-ускуналари; электр асбоблар, гидротизимлар, ёқилғи насослари ва форсункалар, двигателлар, бошқарув механизмлари диагностикаси учун қурилмалар.

# МЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКАСИ II

Бир чўмичли  
экскаваторларини  
ишлатиш

Кўп чўмичли  
экскаваторларини  
ишлатиш

Ўмғирлатиб суғориш  
машиналарини  
ишлатиш

Бульдозерларини  
ишлатиш

Базаси узайтирилган ер  
текислаш машина-  
ларини ишлатиш

Дренаж қувурини  
тозаловчи машиналарни  
ишлатиш

Автогрейдерлар  
ини ишлатиш

Дренаж  
машиналарини  
ишлатиш

Скреперларини  
ишлатиш

Канал қазиш  
машиналарини  
ишлатиш

Юк кўтариш  
машиналарини  
ишлатиш

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ ва сув хўжалигини модернизация қилиш, замонавий мелиорация техникаларини ишлатиш ва техник сервисни ташкил қилиш бўйича Давлат томонидан амалга оширилган ишлар:

- Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.10.2007 й. № ПФ-3932- сонли фармони;
- Давлат унитар корхонаси шаклидаги ихтисослаштирилган “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси ташкил этиш тўғрисидаги Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 декабрдаги 266-сонли қарори;
- Давлат Унитар Корхона (ДУК) ларни ташкил ва фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.05.2008 йилги № 92-сонли қарори.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ ва сув хўжалигини модернизация қилиш, замонавий мелиорация техникаларини ишлатиш ва техник сервисни ташкил қилиш бўйича Давлат томонидан амалга оширилган ишлар: (давоми)

- «2012—2016 йилларда Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги ПҚ-1758-сон қарори;
- «2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сон қарори;



Тупроқ унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалик экинларидан мунтазам равишда мўл ва сифатли ҳосил олиш учун тупроқнинг шўрланиш ва ботқоқланишини олдини олиш ҳамда уларга қарши тадбирларни амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга.

Суғориладиган ерларни шўрланиш ва ботқоқланишдан ҳимоя қилиш тадбирлари шўрланиш ва ботқоқланишнинг олдини олиш ва ерларни тубдан яхшилаш тадбирларини ўз ичига олади (блок схемага қаралсин).

# Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашдаги муаммолар ва комплекс тадбирлар

## МУАММОЛАР

Ерларнинг ботқоқланиши

Ерларнинг шўрланиши

Гумус миқдорининг камайиши

## Комплекс тадбирлар

Сув хўжалик тадбирлар комплекси

Агромелиоратив тадбирлар комплекси

Гидромелиоратив тадбирлар комплекси

Агротехник-ташкилий

Механик –таъсир этувчи

